

“СОҲИБҚИРОН ЁҒДУСИ” ДОСТОНИДА ТУРҒУН БИРИКМАЛАРНИНГ ПОЭТИК КЎЛАМИ

Салимжон ҒАНИЕВ

ўқитувчи

Жанубий Қозоғистон давлат

педагогика университети

Чимкент, Қозоғистон

Аннотация

Мақолада таниқли шоир Минҳожиддин Мирзонинг “Соҳибқирон ёғдуси” достонида қўлланган турғун бирикмалар поэтикаси тадқиқ қилинади.

Таянч сўзлар: ҳикмат, соҳибқирон, бадий нутқ, миллий қадрият, мақол, ҳаракат узвлари.

ПОЭТИЧЕСКИЙ ОБЪЕМ УСТОЙЧИВЫХ СОЕДИНЕНИЙ В ПОЭМЕ "СИЯНИЕ САХИБКИРАНА"

Салимжон ҒАНИЕВ

преподаватель

Южно-Казахстанский государственный

педагогический университет

Шымкент, Казахстан

Аннотация

В данной статье рассматривается поэтика устойчивых соединений, использованных в поэме «Сияние Сахибкирана» известного поэта Минходжиддина Мирзо.

Ключевые слова: мудрость, сахибкиран, художественная речь, национальные ценности, пословицы, связи движения.

Миллий ўзлик туйғуси ва тарихийлик таниқли шоир Минҳожиддин Мирзо ижодининг устувор мавзуларидан биридир. Унинг “Соҳибқирон ёғдуси” достонида жаҳон адабиётида илк маротаба буюк саркарда ва давлат арбоби соҳибқирон Амир Темур Тарағай қаламига мансуб “Темур тузуклари” асаридаги ҳикматларнинг шеърӣ талқини яратилган.

Муаллиф тасвир этилаётган ўтмиш ҳаётининг манзарасини тўла гавдалантириш, яъни асарнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ўша даврнинг тилига оид хусусиятларни ҳам сақлашга уринар экан, албатта халқ оғзаки ижодига мурожаат қилади. Улуғ шоир Ҳамид Олимжон тўғри таъкидлаганидек, “Ўзбек адабиётини юксалтириш, унинг тилини чин халқ тили қилиш, содда ва чуқур қилиш, ва ниҳоят, умуман айтганда, ўзбек адабиётини чин маънода халқчил қилиш учун фольклорнинг аҳамияти буюк

бўлур” [4;370]. Достон замиридаги олийжаноб ғоянинг ифодасида миллий туйғулар кучлилиги, қаҳрамон кечинмаларининг рухий-ахлоқий далилланганлиги, воқеалар тасвирида тарихий ҳақиқат акс этганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Шоир китобхон руҳиятида ҳиссий-эмоционал туғён уйғотишга, ҳар бир образнинг тарбиявий, маърифий-эстетик моҳиятини кенг ёритишга интилади.

“Тузук”ларнинг тарих синовларига бардош берган, эл-юртнинг бугуни ва эртасига хизмат қила оладиган, ахлоқий-маърифий жиҳатдан юксак, фалсафий теранлик балқиб турган ҳикматлари Ватан ва Миллат тақдири, миллий қадриятлар залвори китобхон маънавий-эстетик олами нуқтаи назаридан талқин қилинади. Муаллиф ижодий нияти ифодаси айнан мақол ва маталлар воситасида ёрқин ва тўлақонли чизиб берилади ҳамда бир-бири билан боғланиб, тасвир ҳаққонийлигини ҳамда эстетик таъсирчанликни янада кучайтиради.

Буюк рус ёзувчиси Л.Толстойнинг “Ҳар бир мақолда мен шу мақолни яратган халқнинг сиймосини кўраман” [6;81] деган фикрида илм ва ҳаёт ҳақиқатлари муштаракдир. Ҳақиқий сўз санъаткорининг онгу шуурига бутун умри давомида алла ва эртаклар, мақол ва маталлар турли йўллар билан бевосита ва билвосита таъсир этиб келади. Фольклор поэтикаси ва лексикасидан унумли фойдаланган М.Мирзо достон тилининг содда ва равон, образга бой ва халққа яқин бўлишига эришди. Халқ донолиги акс этган пишиқ-пухта, ихчам мақол ва маталлар муаллиф мақсадини ёрқин ва аниқ ифодалаши билан кучли таассурот қолдиради:

Инсон кучу қудрати ҳеч,

Қиличдамас, ёдда тут.

Қирғин билан юрт кўкармас,

Зулм-зўрликни унут,

дейди шоир. Бу таъсирчан сатрлар “*Билаги зўр бирни йиқар, Билими зўр – мингни*” [8;88] деган мақолнинг синонимик ўзгартирилган варианты эканлигини кузатиш мумкин. Синонимик ўзгартириш натижасида

даражаланиш, яъни маъновий шаклдошлик юзага келган. Ифодадаги “*қиргин билан юрт кўкармас*” фраземаси яхлитлигича “*Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетар*” мақолини эслатади. “Маънолар маҳзани”да мазкур мақолнинг “Бир кун урушганнинг қирқ кун насибаси кесилади”, “Жанжалли уйда барака бўлмас”, “Жанжалли уй – азобли гўр” каби вариантлари келтирилган. Унга “Оилада бўлар-бўлмасга жанжал қилавермаслик, айниқса эр билан хотин аҳил бўлиши зарурлигини уқтирувчи мақол” сифатида изоҳ бериляпти [7;35].

Шоир мақолнинг таъсир доирасини кучайтиради, “уй” “юрт”га айланиб, маъно кўлами кенгаймоқда. М.Мирзо ўз ғоявий ниятига мос образлардан илҳомланади, уларга янгича ранг, оҳанг ва рух беради. “Дуо билан эл кўкарар, Ёмғир билан ер кўкарар” [8;81] мақолини шоир ижодий ўзгартириб, “*қиргин билан юрт кўкармас*” шаклида қўллаяпти. *Юрт кўкармас* мазмуний бирлигининг “*кўкармас, кун кўрмас*” семалари мавжуд бўлиб, бадий ифодада образлиликни таъминлашга эришилган. Бу ўринда шоир янги ибора кашф қиляпти. Кўриниб турибдики, ҳикматли сўз ва барқарор бирикмалар муҳим омил сифатида асарни ихчам, мазмундор, ёқимли ва оҳангдор бўлишини таъминлаяпти. Достонда қўлланган мақол ва иборалар муаллиф мақсадини ифодалашнинг муҳим воситаси сифатида воқеликнинг моҳиятини тўлиқ акс эттиради, миллий ўзлик туйғуси билан уйғунлашган сержило бадий нутқ ўқувчи руҳиятига кучли таъсир этади, унда у ёки бу воқеа, ҳолатга нисбатан ўзига хос ҳиссиёт уйғотади

Ўзбеклар азал-азалдан ёши улуғларни эъзозлайди, кичкинтойларга шафқат ва муҳаббат билан муносабатда бўлади. Кўплаб мақолу маталлар, ибораларда халқимизнинг бағрикенглиги, меҳр-оқибати улуғланади. “Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда”, “Каттани мақта, кичикни сақла”, “Каттага – ҳурмат, кичикка – шафқат” каби мақолларда саховат, мурувват каби энг гўзал инсоний туйғулар акс этади. Шоир юксак маҳорат билан танлаган иборалар достоннинг ғояси, моҳияти ва бадииятига ижобий таъсир кўрсатган.

Улуғлар ҳар бири бебаҳо давлат,

Ҳикматлар жам бўлган улкан бир китоб.

Кичиклар-чи, сенга фарзанд, эъзозла,

Ёдда тут, барчага баробар офтоб.

Турғун бирикмалар муаллифнинг фикр баёнида содда ва равонликка, фалсафий теранликка эришишини таъминлайди. Достоннинг мазкур фаслида шоир “Каттага хурматда бўл, кичикка иззатда” мақолидан ижодий фойдаланади. Инверсия талаби билан ўзгартирилган иборанинг бир қатор семалари намоён бўлади. Шоир достонда ибораларни унумли қўллаш билан бирга уларни моҳирона қофиялайди, асар ғояси, мазмуни, шакли, таъсирчанлигини таъминлашда образли воситаларни заргарона қўллайди. Мақол ва маталлар фақат ижодий ўзлаштириладиган бадий материалгина эмас, балки шоирда янги тасаввурлар уйғотувчи, унга илҳом берувчи, қаламга олинаётган воқеликни турли бўёқларда бера олувчи бебаҳо хазинадир. Минҳожиддин Мирзо “Соҳибқирон ёғдуси” достонида сўзнинг ҳақиқий моҳиятини, унинг тағ маъноларини ҳис этиб, уларни ўринли қўллаш жараёнида ниҳоятда оригинал, образли бадий нутқ ярата олган. У чин маънодаги сўз устаси сифатида турғун бирликларнинг ранг-баранг жилоларини, ички маъноларини кашф этади. Шоир тилининг ўзига хослиги ва бойлиги унинг бадий тил унсурларидан унумли фойдалана олишида, сўз ўйинлари, иборалар танлашида, мақол, матал ва топишмоқларни ўринли қўллашида янада ёрқинроқ кўзга ташланади. Мақоллар ва ибораларининг коннотатив маънода қўлланилиши достонда образлиликни ошириб кўрсатишга, сўзнинг ички хусусиятларини, маъно қирраларини очиб беришга хизмат қилади. “Тузуқлар”даги “Бир калима ширин сўз қилични қинга киритар” ҳикматини шоир шундай ифодалайди:

Бир калом ширин сўздан,

Қиргай илон унига.

Инсон-чи, солгай шаксиз

Қиличини қинига.

Шоир “Яхши гап билан илон инидан чиқар, Ёмон гап билан пичок кинидан чиқар” [8;88] деган халқ мақолини “*Бир калом ширин сўздан, Қиргай илон унига*” кўринишида қўллаб, стилистик бўёқдорликни ҳосил қиляпти. Муаллифнинг фикрини ёрқинроқ ёритишда **қилич** асосий вазифани бажаряпти. Машҳур мақол ижодкорнинг маҳорати билан янгича ифодаланган, таъсирчанлиги ошган. Минҳожиддин Мирзо ижодида мақол ва иборалар икки хил кўринишда акс этади: а) *шаклан ўзгарган мақол ва иборалар*; б) *илк шакли сақланган мақол ва иборалар*.

Шунингдек, ижодий ўзгаришга учраган, яъни баъзи бир сўзлари ўзгарган, қисқартирилган ва кенгайтирилган, мазмунан дoston мисраларига сингдирилган ибора ва мақоллар ҳам учрайди. Шоир ўқувчини мушоҳадага ундаш, унда Соҳибкирон “Тузуклари” ҳақида кучли таассурот уйғотиш мақсадида халқ орасида кўп қўлланувчи мақол ва ибораларга тез-тез мурожаат қилади. Мақол ва маталлардаги заковат ёғдуларида, тафаккур гўзаллиги, сўзларнинг ихчамлиги ва оддийлигида, маъносининг ўткирлигида халқимизнинг миллий ўзлиги, фалсафий-ахлоқий қарашлари, маънавияти ифодаланади.

Оловни оловда ўчириб бўлмас,

Гулханни сув билан сўндирар олим.

Мазкур парча бир неча мақол ва ибораларни эслатади. Биринчи навбатда “ўт билан сувдек” ибораси ёдга тушади. “Ўзбек тилининг фразеологик луғати”да унга шундай изоҳ берилади:

Ўт билан сувдек – ўзаро зид, муросага кела олмайдиган [5;336]. Шоир “*ўт билан сувдек*” иборасининг таг маъносига *оловни оловда ўчириб бўлмас* деган фикрни усталик билан кўчиради. Иборанинг семалари доирасида ҳаракат узвлари намоён бўлиши билан бадийликдаги мажозийлик ва коннотативликни кузатамиз. Халқ ибораларига яқин, маънодош янги-янги шакллар кашф қилиш М.Мирзонинг индивидуализмига хос хусусиятлардандир. Шоир шеъриятида халқ оғзаки ижодига хос қофияланиш, оҳангдорлик, халқчиллик, соддалик, мазмун ва шакл

ихчамлиги, маъно қўллашнинг кенгайиб ёки торайиб бориши ҳам кузатилади. У юксак маҳорат билан танлаган иборалар дostonнинг ғояси, моҳияти ва бадииятига ижобий таъсир кўрсатган.

“Соҳибқирон ёғдуси” асарида қўлланган турғун бирикмалар ижодкор услубининг бетакрорлиги, унинг ўзига хос поэтик маҳоратидан дарак бериш баробарида, дoston таъсирчанлигини оширади, китобхонда қизиқиш уйғотади, уни ўйлашга, мушоҳада қилишга ундайди, ўтмиш ва келажак ҳақида тўғри хулосалар чиқаришга даъват этади. Филология фанлари доктори Ҳ.Ҳамроевнинг фикрича, “Минҳожиддин Мирзо қайси мавзунини каламга олмасин, маънавий руҳий кечинмаларни ҳам, башарий туйғуларни ҳам азиз она юртининг, замондошларининг тақдири билан узвий боғлиқликда талқин қилади, мустақил Ўзбекистоннинг бугунги камоли, ўзбек халқининг маънавий ички гўзаллигидан фахрланади” [9;279].

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, муаллифнинг халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар ва иборалардан унумли ва ўринли фойдаланиши “Соҳибқирон ёғдуси” дostonига таъсирчанлик, оҳангдорлик ва поэтик сайқал бахш этган. Энг муҳими, баъзи мақол ва ибораларнинг маъноси бойитилиб, эмоционал-экспрессив бўёқлари қуюқлашган, натижада дoston тили жонли сўзлашув нутқига янада яқинлашган. Баъзи мақол ва ибораларнинг лексик ёки грамматик жиҳатдан ўзгартирилганлиги дostonнинг раvонлиги ва бадий-эстетик салмоқдорлигини оширган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурахмонов Ғ. Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида. – Тошкент: Фан, 1966. – 62 б.
2. Кузнецов И.Н. Современная деловая риторика. – Москва: Гросс Медиа, 2007. – 172 с.
3. Мирзо, Минҳожиддин. Соҳибқирон ёғдуси. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2016. – 120 б.
4. Олимжон Ҳ. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2019. – 370 б.

5. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – 368 б.
6. Толстой Л. О литературе. – Москва: Советский писатель, 1972. – 314 с.
7. Шомақсудов Ш. Маънолар маҳзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2018. – 480 б.
8. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1989. – 512 б.
9. Ҳамроева Ҳ. Бунчалар азизсан, эй мунис тупроқ. – Тошкент: Тафаккур, 2015. – 284 б.